



## Social Significance of Gender Equality in New Uzbekistan

**Askarova Adolatkhon  
Mamatkhonovna**

Lecturer at the Department of Social Work, Faculty of Socio-Economics, Fergana State University

### ABSTRACT

This article discusses the socio-philosophical importance of gender equality in today's increasingly globalized world. At the same time, in Uzbekistan, which is developing rapidly in all directions, the current issues of women's legal freedoms, protection of their legitimate interests, social relations of women in society and the development of society, social cohesion, family, traditions, It has been scientifically stated that culture, international and inter-civilizational relations, religion, labor and organization of public organizations are of great importance.

### Keywords:

UN, UNICEF, gender equality, women, society, civilizations, economic-political, socio-legal, social relations, women's labor, public organizations, social unity, evolution, family, tradition, culture.

### КИРИШ

Ҳозирги кунда бутун дунёда рўй бераётган глобаллашув даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқий эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш жуда ҳам долзарб масалага айланиб бормоқда. Жамиятда хотин-қизларнинг иқтисодий-сиёсий ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий фаолиятини юксалтириш жараёнлари кечиктириб бўлмас давр талаби ҳисобланмоқда. Аёллар масаласи жамият, ижтимоий муносабатлар, миллатлар, давлатлар, маданият ва цивилизациялар билан узвий алоқада [10]. Бу масаланинг юзага келиши, ривожланиши ижтимоий-тарихий жараёнларнинг бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиши билан ҳам боғлиқдир.

### ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Олимлар аёллар масаласини жамият тараққиёти билан боғлиқ равишда таҳлил қилиш натижасида кишиларнинг ижтимоий бирлиги, жамият бўлиб яшаши учун зарур бўлган оила, урф-одат, маданият, халқаро ва цивилизациялараро муносабатлар, дин,

меҳнат ва жамоат ташкилотларига уюшиш катта аҳамият касб этишини илмий ифодалаганлар [11]. Гендер ғоясигача ўтиш эволюцияси мобайнида қуйидаги ижтимоий-тарихий босқичлар босиб ўтилди. Мазкур босқичлар таснифий хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг турли адабиётларда келтирилиши бўйича изоҳлаб ўтадиган бўлсак даставвал диний конфессионал тақиқ тизими амал қилган [9]. Тарихий манбалар айнан аёлни инсоният маданиятининг асосчиси деб аташади [8]. Ҳақиқатан ҳам меҳнатнинг ибтидоий жамоа тузумида тақсимланишига қараб эркаклар ов қилувчилар, аёллар эса ҳосил йиғувчилар вазифасини бажарганлар. Фақат аёлгина ердан тўйимли ўсимлик илдизларини, инлардан майда жониворларни, ҳашоратлар личинкасини қазиб олиш билан машғул бўлган. Ривоятларда оловни кашф этганлар эркаклар тимсолида учрайди. Аёллар оловнинг хусусиятларини ўрганиш, уни турмушда қўллаш, уйни иситиш, овқат тайёрлаш каби заруратларни бажарганлари

ҳақида ҳикоя қилинади. Кийим-кечак ва оёқ кийимларини ҳам аёллар кашф этишган [6].

Она уруғи даврида аёлларнинг мавқеи юқори бўлган. Аёл асосий ишлаб чиқарувчи куч, рўзгорни муҳофаза қилувчи, бола тарбиялаб, авлоднинг кўпайишини таъминловчи зот ҳисобланган. Бу эса унга уруғ, қабила ҳаётида етакчилик қилиш имконини берган.

Уруғ-аймоқчилик даври маъбудалари аёллар тимсолида тасвирланган, қабилани бошқариш, айбдорларни жазолаш, ҳатто бошқа қабилалар устига қўшин тортиш ҳам аёллар ихтиёрида бўлган. Ижтимоий ҳуқуқий нуқтаи назардан бу даврни илмий адабиётларда “аёл ҳуқуқи” [6] ҳукмрон бўлган давр деб аташади. Л. Морган, Ф. Энгельс, Г. Плосс, Э. Тейлор асарларида она уруғи даври (матриархат)да ижтимоий ҳуқуқий ва сиёсий масалалар аёллар қўлида бўлганига кўплаб мисоллар келтирилади [9]. Бироқ ота уруғи (патриархат) даврига ўтилиши билан ижтимоий-ҳуқуқий мувозанат аёлдан эркак томонга оғади ва эркак асосий ишлаб чиқарувчи кучга, давлатни бошқарувчига айланади. Ижтимоий тарихий тараққиётнинг кейинги босқичлари аёлни эркакка қарам қилиш, унинг психологик, ҳўжалик юритиш ва бола кўришга бўлган эҳтиёжларини қондириш йўлидан борди. Бу ижтимоий-ҳуқуқий мутелик аёл билан эркакнинг мулкка эгалик ҳуқуқининг турлича тақсимланганида, аёлнинг турмуш қуриш, ажралиш ҳуқуқлари тан олинмаганлигида, суд ишларида қатнашиши чекланганлигида ва бошқаларда намоён бўлди [6].

Аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги масаласи қадим замонлардан буён қизғин баҳсларга сабаб бўлиб келган. Милоддан 400 йиллар аввал яшаган софист Антифонт ўз асарларида барча одамларнинг табиат томонидан тенг қилиб яратилганлиги ҳақидаги ғояни биринчилардан бўлиб илгари сурган. Унинг фикрича, табиат барчани: аёлни ҳам, эркакни ҳам тенг қилиб яратади, лекин инсонлар ўзларини тенгсиз ҳолатга солувчи қонунлар одамларнинг ўзаро келишуви натижасидир [9]. Табиий ҳуқуқлар тенглиги ва барча одамларнинг

эркинлиги ҳақидаги ғояни софизм оқимининг бошқа намоёндаларида ҳам учратамиз. Жумладан, Ликофроннинг фикрича, фақат қонунларгина шахсий ҳуқуқларнинг кафолати бўлиши мумкин [6].

Ҳозирги даврга келиб Ўзбекистонда аёллар жумладан, хотин-қизларнинг қонуний-ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлаш, гендер тенглик ва репродуктив саломатлик бўйича олиб борилаётган давлат сиёсатида жаҳон ҳамжамияти яъни БМТ, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби нуфузли халқаро ихтисослашган муассасалар томонидан юқори баҳо берилмоқда [7]. Бундай ижобий ўзгаришларга юртимизда давлатимиз раҳбари бошчилигида хотин-қизларнинг жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши, уларнинг ижтимоий нуфузини янада юксалтиришга қаратилаётган салмоқли ишлар пойдевор бўлмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати йигирманчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, ҳозирги кунда ҳар бир аёл демократик жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлмоғи шарт.

Жамиятимизда аёлларга қаратилаётган эътибор, уларнинг билим олиши, касб танлаши, меҳнат қилиши, ўз иқтидорини намоён этиши учун яратилаётган шароитлар натижасида бугун хотин-қизларимизда ҳар жабҳада фаоллик сезилмоқда, бир сўз билан айтганда, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиб, салоҳиятли хотин-қизлар сони тобора кенгаймоқда [3]. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилингани ҳам муҳим воқеа бўлди. Бу эса бугунги кунда юртимизда аёлларга эътибор ҳар қачонгидан ҳам юксакларга кўтарилганидан далолат беради.

Барчага маълум, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюциясига мувофиқ, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Барқарор ривожланишнинг Бешинчи мақсадини амалга ошириш доирасида “Гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш”га оид тўққизта вазифани ишлаб чиқди.

Бешинчи мақсаднинг “Гендер тенглик” вазифаларига мувофиқ, 2030 йилга келиб барча хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини ва етакчилик қилиш учун тенг имкониятларни таъминлаш зарур. Бундан ташқари, ушбу мақсад давлатнинг турли даражаларида Давлат дастурларини қабул қилиш жараёнида гендер тенглик тамойилларини жорий қилишни ўз ичига олади. Сўнгги йилларда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш бўйича ишлар бир неча йўналишларда олиб борилмоқда. Жумладан;

биринчидан аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;

иккинчидан аёлларни ҳимоя қилишнинг институционал асосларини такомиллаштириш;

учинчидан аҳолининг гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқлари тўғрисида хабардорлигини ошириш;

тўртинчидан ҳуқуқни қўллаш амалиётида уларга риоя этилишини таъминлаш учун масъул мансабдор шахсларни тегишли ҳуқуқий меъёрлар асосида ўқитиш. Мазкур келтириб ўтилган масалалар бўйича Ўзбекистонда бир қатор қонун ҳужжатлари, жумладан, Президентнинг хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, гендер тенглиги ва аёлларни зўравонлик ва зулмдан ҳимоя қилиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақомини кучайтириш тўғрисидаги фармон ва қарорлари қабул қилинган.

## МУҲОКАМА

Гендер тенглигини жорий қилиш нуқтаи назаридан таълимдаги ижобий силжишларни алоҳида таъкидлаш керак. Яъни, 2017 йилдан бошлаб аксарият олий ўқув юртларида турли мутахассисликлар бўйича сиртқи бўлимлар фаолияти тикланди. Таълимнинг ушбу шакли ёш аёлларга болаларни парвариш қилиш ва бошқа оилавий мажбуриятларни бажаришга халал қилмасдан олий маълумот олиш имкониятини беради. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил июнь ойида Олий Мажлис Сенатидаги нутқида “Мени кишиларимизнинг онгида пайдо бўлган стереотип кўп ўйлантиради. Одатда биз аёлни авваламбор она, оила қўрғонининг қўриқчиси сифатида ҳурмат қиламиз. Бу, шубҳасиз, тўғри. Аммо бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак” деб айтган сўзлари нақаддар ўринли эканлиги яққол кўриниб турибди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таклифига биноан, мамлакат тарихида илк бор Сенат раислигига аёл киши Танзила Норбоева сайланди. Маълумки, ундан олдин Т.Норбоева Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси бўлиб фаолият юритган. Мазкур соҳадаги қонунчилик чораларига тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини

таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида 2019 йил сентябрь ойида “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинди. БМТнинг деярли барча агентликлари, жумладан БМТ Тараққиёт Дастури, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА), БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, БМТнинг Наркотик моддалар ва жиноят бошқармаси, Халқаро миграция ташкилоти ушбу икки қонун бўйича ўз изоҳ ва таклифларини беришди.

Гендер тенглик бўйича институционал чораларга келсак, айти пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати таркибида аёллар ҳуқуқларини таъминлаш ва камситишнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш бўйича миллий қонунчиликда халқаро стандартларни уйғунлаштириш билан шуғулланувчи янги Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил қилинган. Бундан ташқари, меҳнатга оид ҳуқуқларнинг кафолатлари ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уйдаги зўравонлик қурбонларига ёрдам бериш мақсадида Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази ва Хотин-қизлар тадбиркорлиги маркази, Ҳукумат ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ташкил топди. Кейинчалик эса Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамда “Маҳалла зиёси” республика ўқув-услугий маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Ушбу янги ташкил этилган барча институционал механизмлар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда БМТ Конвенциясига мувофиқ аёллар ҳуқуқлари, гендер тенглиги ва

хотин-қизларга нисбатан камситишларга барҳам беришнинг ягона яхлит механизмига айланиши масаланинг муҳим томонидир.

## НАТИЖА

Таъкидлаш жоиз, қабул қилинган норматив-меъёрий ҳужжатлар ва амалий чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг гендер сиёсати соҳасидаги муҳим қадамидир ва у қонунчилик ҳамда амалиётнинг халқаро меъёр ва стандартларига тўлиқ мос келади, шу билан бирга, уларнинг бир қисми ОБМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича идоралари тавсияларига асосланган. Айтиқса, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Ушбу Қонун кўп йиллик муҳокамалардан сўнг қабул қилинди. Қонун оиладаги зўравонлик қурбонларига ёрдам бериш, уларга бошпаналар ажратиш, ишонч телефонлари ва нафақат жисмоний зўравонлик, балки психологик ёки иқтисодий жиноятлар бўйича мажбурий жавобгарликка тортиш орқали аёлларни ҳимоя қилиш учун асосдир [1]. Бундай чоралар, хусусан, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича идоралари томонидан узоқ вақт давомида тавсия қилиб келинган.

Гендер сиёсатининг мониторинги ва самарадорлигини баҳолаш соҳасида [www.gender.stat.uz](http://www.gender.stat.uz) сайтида қўшимча 54 та гендер кўрсаткичларини киритиш орқали муҳим ўзгаришлар рўй берди. Шу билан бирга, ушбу йўналишда давомий изчил ишларни амалга ошириш талаб этилади. Бу ерда нафақат қабул қилинган кўрсатмалар, балки уларнинг халқаро мажбурият ва стандартларга мувофиқлиги, жойларда ўз вақтида ва аниқ бажарилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу маънода, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштирок этишини таъминлаш бўйича ишларни изчил давом эттириш зарур [2].

Бинобарин, “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ва

“Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунларнинг бажарилишини таъминлаш учун “Йўл хариталари”ни қабул қилиш режалаштирилган. Бундан ташқари, Гендер тенглиги бўйича миллий стратегияни қабул қилиш режаси ҳам мавжуд. БМТ агентликлари гендер тенглик ва камситмаслик масалаларида, шу жумладан махсус ҳужжатларни режалаштириш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, янги кодексларнинг махсус қоидаларини – жиноий, процессуал ва ижро этувчи босқичларни ишлаб чиқишда бундан кейин ҳам кўмак беришга тайёр [10].

Шунингдек, қабул қилинаётган у ёки бу даражадаги ҳужжатларнинг аёллар ва эркеклар учун бир меъёрга бўлишига эришиш учун қонунчиликнинг гендер экспертизасини ўтказиш мажбурийлигини таъминлаш муҳимдир. Ўз навбатида, бизнес инкубаторлари билан бир қаторда, аёлларни таълим ва фан соҳасида рағбатлантириш, шунингдек, STEM (Фан, технология, муҳандислик, математика) лабораториялар яратиш орқали уларни табиий ва техник фанлар соҳасига жалб қилиш чораларини кўриш зарур. Бу, ўз навбатида, аёлларнинг бандлигини, замонавий меҳнат бозорида рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради.

Қабул қилинаётган чора-тадбирлар мамлакатнинг барча ҳудудлари ва хотин-қизларнинг барча тоифаларини қамраб олиши керак. Хусусан, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш кун тартибидаги тамойилларни, айниқса, “ҳеч кимни ортда қолдирмаслик” тамойилини ҳисобга олган ҳолда, ҳар хил камситиш шаклларига мойил бўлган хотин-қизларнинг ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш долзарб масаладир. Бу ерда мамлакатнинг чекка ҳудудларидаги қишлоқлардаги хотин-қизларга, этник озчилик гуруҳлари, ногиронлар, ОИВ/ОИТСга чалинган аёллар, озодликдан маҳрум қилиш ва чеклаш жойларидаги хотин-қизларга (шу жумладан

қамоқхоналар, пансионатлар, қариялар уйлари ва руҳий касалликлар шифохоналари), инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва қочқинларга асосий эътибор қаратилади [4].

## ХУЛОСА

Айни пайтда БМТнинг Ўзбекистондаги агентликлари ўртасидаги ҳамкорлик доирасида гендер масалалари бўйича махсус гуруҳ фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, унинг таркибига БМТнинг деярли барча агентликлари вакиллари киритилган. Масалан, юқорида қайд этилган Қонунларга берилган тавсиялар ҳали лойиҳа пайтида гуруҳ ишининг бир қисми эди. Ушбу гуруҳ фаолияти мисолида БМТ агентликлари бошқа қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда ёрдам беришга доим тайёр. Бундан ташқари, конференция, видеоролик, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қошидаги юридик клиника, ижтимоий тармоқлар каби турли форматларда аёллар муаммолари тўғрисида хабардорликни ошириш бўйича кўплаб тадбирлар кун тартибидан жой олган. Бу борада “Тараққиёт стратегияси маркази ва бошқа нодавлат ташкилотлар билан ҳам фаол ҳамкорликда иш олиб борилмоқда [5].

Ўз навбатида, Ўзбекистондаги БМТнинг жамоаси айни пайтда барча миллий ҳамкорлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг кенг маслаҳатлашувлари билан ишлаб чиқиляётган “2021-2025 йилларга мўлжалланган Барқарор ривожланиш ҳамкорлик дастури” доирасида гендер тенгликни таъминлаш учун мамлакатга ҳар томонлама ёрдам беришда давом этмоқда.

## References

1. БМТ: Асосий омиллар. -Т.: БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. 2001.- 51-52 бетлар.
2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: Гендер тенглик масалалари. Т.: БМТ ваколатхонаси. 2008. 272-273.
3. 2017-2021-йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича

- Ҳаракатлар стратегияси. Тошкент, 2017-йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги қарори.  
<https://www.lex.uz/acts/308925>.
  5. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августда қабул қилган 466-сонли қарори.
  6. Бебель А. Социализм и женщина. М.: Госполитиздат. 1959. -С.49.
  7. Эвелин Б. Лансинг Тошкентдаги “Меридиан” меҳмонхонасида 1998 йил 1-2 май кунлари бўлиб ўтган “Турмушдаги зўравонлик – АҚШ тажрибасидан” конференциясидаги маърузаси.
  8. Эгамбердиева Т. Аёл ва давр. Т.: Меҳнат. 1994. – 6-7 бетлар. 10 Антология мировой философии. М., 1969. Т.1. -с. 322 10.
  9. Нерсисянц. История идей правовой государственности. М.: 1993. с.59.
  10. Холматова М. Жамиятда аёлларнинг ўрни (тарихий-фалсафий таҳлил). Экология ва аёл. Фарғона. 2001. 109-110 бетлар.